

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.


Сўхбатда Ўзбекистон — Россия дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берdimухамедов ташриф билан Ўзбекистонга келди. Самарқанд халқро азропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги тадбирлар доирасида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берdimухамедов биргаликда Хазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат кўрсатдилар.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берdimухамедов биргаликда Самарқанд халқро туризм марказидаги «Боқий шаҳар» тарихий-этнографик боғи ҳудудига ташкил этилган маданий тадбирларда иштирок этдилар.




АВЛИЁЛАР ДИЁРИ,  
АЛПЛАР ЮРТИ — БУХОРО!

2-3

«ҚЎЛИМИЗ ҲАМ, КЎЗИМИЗ  
ҲАМ, ЮРАГИМИЗ ҲАМ  
БОТИР БЎЛСИН»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
аъзоси, академик Азамат ЗИЕнинг «Ўзма-юзма»  
учун берган интервьюсини



4-5

ИФТИХОР

## ҒАЛАБА МУБОРАК!

Алининг майдони... Мардлар ўйини —  
Футбол ҳалолликни севади, укам!  
Рухини туширма, бош ҳакам, майли,  
Рақибининг яқин дўсти бўлса ҳам!

Ҳовучимда юрак, бўғзимда нафас...  
Илтижом, ўт олсин кўксингдаги ор!  
Жон болам, жон укам, бўш келма бирпас...  
Дарвоза ортида Ўзбекистон бор!

Сафнингиз қамайд. Афсус... Чекма ғам —  
Тўқиз алп шахтида сўнмаса бас ўт.  
Парвозда қаноти шикаст еса ҳам,  
Чўққига етгунча учади Буреут.

Бу дунё зўрники. Ортда қолма, ўз!  
Томиринда ғолиблик шахти ила қалқ!  
Қара, қандай шараф! Сенга тикар кўз  
Ғалабанга интиқ ўзбек деган Халқ!

Юртнинг тузи ҳаққи Сен ютдинг, ҳалол!  
Ғолиблик шавқидан титрайди юрак.  
Жасорат рамзисан, топмагин заво  
Ватан номин тутган зафар муборак!

Матонат синмагай куч берса ўзлик,  
Ҳар жойда мардлик нақд... Ғирмон насия.  
Шоҳсупанга оёқ кўймоқда Ўзбек  
Сени ҳам қутлайман, буғун Осиё!

Қўчқор НОҚОБИЛ

## ВИЖДОН ЗИММАСИДАГИ ЮК

Бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайловлар ҳам низоҳасига етиб бормоқда. Сирдарё вилояти касабаси уюшмалари тизимидаги 1392 та касабаси уюшмаси ташкилотлари 192892 нафар аъзони бирлаштирган. Айтилган 1386 та ташкилотда йиғилиш (конференция)лар бўлиб ўтди. 27 нафар етакчи яширин овоз бериш йўли билан бу лавозимни эгаллаган бўлса, 162 нафари янги сайланди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси бошланғич ташкилотлари 158 та бўлиб, 12973 нафар аъзо бор. Уларнинг барчасида ҳисобот-сайловлар кўтаринки руҳда, қизгин тайёргарлик қўрилган ҳолда ўтказилди. Вилоят солиқ, боғхона, ички ишлар бошқармалари, вилоят суди, «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБнинг вилоят филиалидаги сайловларда делегатларнинг юқори фаоллиги намойён бўлди.

Муҳим жараёнга Гулистон давлат университетида жиддий тайёргарлик қўрилган оstonаданоқ билинди. Байрамона безатилган максадда анжуман иштирокчиларини миллий либослардаги қизлар қўлларини кўксига қўйган ҳолда, ўқув даргоҳининг ўзида ташкил этилган «Мақом» ансамбли эса мумтоз қўшиқлар билан қарши олишди.

Университетда 1064 нафар ходим ва хизматчи фаолият юритади. Ходимлар меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича йўриқномадан ўтказилган, уларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқитиш, билимларини текшириш ташкил этилган.

Ходимларга яратилган шарт-шароитлар, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тарзидаги тўловлар, спорт-соғломлаштириш, маънавий-маърифий йўналишлардаги ишлар, аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар, меҳнат низоҳасини ҳал этиш йўналишларида амалга оширилган ишлар мониторинги олиб борилади. Меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда ишловчи ходимларга қўшимча ҳақ тўлаб берилади. Узоқ муддат касаллиги давомида ёки сурункали касаллигини даволашлари учун жамоа шартномасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади. Ходимларга қиш мавсумига тайёргарлик қўришларида ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун моддий ёрдам тўланади. Малака ошириш институтларида ўқиётган ходимларга иш берувчи ҳисобидан хизмат сафари (транспорт, овқатланиш ва яшаш) харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Университет касабаси уюшмаси қўмитаси 2021 йилда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юза-

сидан республика кўрик-танловининг вилоят босқичида энг яхши касабаси уюшмаси қўмитаси номинацияси йўналишида 1-даражали диплом билан, 2023 йилда энг намунали бошланғич ташкилот кўрик-танлови вилоят босқичининг энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил номинациясида аъзолари 1000 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, диплом билан тақдирланди.

Касабаси уюшмаси қўмитаси томонидан меҳнат ва касабаси уюшмаларига тааллуқли қонунлар талабларига иш берувчи ва унинг вакили томонидан риоя этилаётганини назорат қилиб бориш натижасида камчиликлар аниқланмаган, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан суд органларига мурожаат қилмаган.

— Университет касабаси уюшмаси қўмитаси ўз обрўсига эга, — деди муҳокамада сўзга чиққан делегат Равшан Маҳмудов. — Бунда, албатта, тажрибали, билимдон, ўз вазифасига виждонан ёндашиб келаётган қўмита етакчисининг хизматлари катта. Бу даргоҳга мурожаат билан келган ҳеч бир киши ноумид қайтмаган. Касабаси уюшмаси қўмитаси бизнинг ҳақиқий ғамхўримиз, ҳимоячимизга айланган.

Делегатлар касабаси уюшмаси қўмитаси фаолиятини қониқарли деб баҳолашди. Шундан сўнг яширин овоз бериш йўли билан касабаси уюшмаси қўмитаси раислигига Абдурахмон Юсупалиев қайта сайланди. Бу аъзоларнинг унга юксак ишончидан далолат эди. Ишонч эса кишига катта масъулият юқлайди.

«SIRDARYO MEGA LUKS» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида таъкидланишича, иш берувчи томонидан қонунларда белгиланган қўйилган касабаси уюшмалари фаолиятининг кафолатларига тўлиқ амал қилиб келинмоқда. Компанияда меҳнат қилаётган 1527 нафар ишчи-ҳодимга қўлай иш шароити, дам олиши, саломатлигини мустақамлаши учун барча имкониятлар яратиб берилган. Корхонада меҳнат муносабатларида юзага келадиган барча муаммолар иш берувчи ва вакиллар билан ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида музокаралар йўли билан ҳал қилиб келинмоқда. Ҳисобот юзасидан сўзга чиққанлар ҳам касабаси уюшмаси қўмитаси фаолиятига қониқарли баҳо беришди. Шундан сўнг сайлов жараёни бошланиб, очик овоз бериш йўли билан уч номзод орасидан Матлуба Ҳасанова энг кўп овоз олди ва қайта сайланди.

Айтиш лозимки, мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларда амалдаги касабаси уюшмалари раислари қайта сайланишди. Бундан кўриниб турибдики, етакчилар зиммаларидаги вазифага виждонан ёндашиб, ходимларнинг ҳақиқий ғамхўр кўмакчисига айланиб улгурганлар.

Ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида низоми қатъий риоя қилган ҳолда қўйи касабаси уюшмалари ташкилотларига ўз вақтида амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатилгани, сайловларни демократик тамойиллар, шаффофлик, ошқоралик, муқобиллик асосида ўтказишнинг мазмун-моҳияти ҳамда тартиби борасида тушунтириш ишлари ташкил этилгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари  
Федерацияси Сирдарё вилояти  
кенаши раиси

ЙИГИЛИШ



## КУН ТАРТИБИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

22 апрель куни Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг V мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган мажлисда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг VI қурултойини чақириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

— Касаба уюшмалари органларининг ваколат муддатлари туғашини инобатга олиб, 2025 йил февраль-апрель ойларида тасарруфдаги бошланғич ташкилотларда, касаба уюшмаси кўмиталарида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари ўтказиш белгиланган, — деди Кенгаш раиси Абдулла Нугманов. — Хусусан, жорий йилнинг 1 февралидан тизимдаги 3 минг 621 та бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 3 минг 517 таси (97 фоизи)да ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари якунланди. Шунингдек, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2025 йил биринчи чорақдаги фаолияти бўйича XVII раёсат йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар қатъий белгилаб олинди.

Нодира ШАМСИЕВА,  
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш,  
қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгашининг маданий-маърифий  
ишлар бўйича бош мутахассиси

ЎҚУВ-СЕМИНАР

## ИНСОН ҚАДРИНИНГ ЎЛЧОВИ

Инсон ҳаёти ва соғлиғи жамият тараққиётининг бош мезонидир. Бу ҳақиқатни инкор этишнинг иложи йўқ. Шундай экан, меҳнат жамоаларида хавфсиз шароит яратиш, ишчи-ҳодимларнинг саломатлигини ўйлаш нафақат юридик мажбурият, балки ахлоқий бурч ҳамдир. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан Қўқон шаҳрида ўтказган ўқув-семинарда шу сўзлар бот-бот янгради.



ИИБ таркибий бўлинмалари ходимлари Бирлашган касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари етакчилари ва фаоллари, ҳудудий ИИБ касаба уюшма кўмиталари раҳбарлари ва ҳисобчилари иштирок этишди.

— Касаба уюшмаларининг вазифаси фақат меҳнат муносабатларида ижтимоий имтиёз ва кафолатлар беришдангина иборат эмас. Бу, аввало, инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳаётини, oilасини муносиб ҳимоя қилишдир. Ҳозирги вақтда 7 миллиондан ортиқ аъзони ўзида бирилаштирган касаба уюшмалари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган халқчил ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг маслаҳатчиси Ҳаётжон Шарипов.

Уч кунлик ўқув-семинарда моддий ёрдам, ижтимоий кафолатлар, имтиёзли йўлланмалар, тасарруфдаги санаторийларда соғлиқни тиклаш каби муҳим ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шу аснода меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги камчиликларни тузатиш, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир баҳона қатнашчилар Қўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдаси, тарихий музей ҳамда Риштондаги Халқаро қулоқчилик маркази билан танишиб, миллий меросимиз намуналаридан баҳраманд бўлишди.

Илҳом ҲАЗРАТҚУЛОВ,  
Давлат муассасалари ва жамоат  
хизмати ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши мутахассиси



Абдусайд КЎЧИМОВ,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

1

Энг қадим кентларнинг пири — Бухоро,  
Шариф шаҳарларнинг дури — Бухоро.

Даҳолар маскани, «Тангри жамоли»,  
Ислом оламининг нури — Бухоро!

Бухоро... 1997 йилда 2500 йиллик юбилеи нишонланган, вилоят сифатида 1938 йилда ташкил этилган дейилса-да, милoddан аввалги минг-минг йилликларга туташиб кетгандир унинг илдизлари.

Хитойча Бухэ, Бухала; арабча Бумижжат, Фахира; туркмўғулча Бухор («исободатхона»); сўғдийча «Буғ» («Тангри») ҳамда «оро» («жамол»), яъни «Тангри жамоли» каби нодир исмлар билан аталган бу кутлуг шаҳри азимнинг номини шунчаки тилга олиб бўлмайди. Аввал покланиб, сўнгра тўрт томонида тоғдай қўр тўкиб турган Етти пирга таъзим қилгандан кейингина лозим кўрилади унинг остонасига қадам қўймоқ.

Ер юзидаги юзлаб шаҳарларнинг бири эмас — ўрта асрлардаёқ Макка, Мадина, Қуддус, Бағдод, Дамашқ, Мозори Шариф каби «Шариф» унвонига сазовор бўлган жаҳондаги етти мукаддас қасрнинг Пири ҳисобланади у. «Малик ул-калом» номини олган Абу Абдуллоҳ Рудакий, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий, алломалар Наршахий, Ибн Сино, Дақиқий, Балъамий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Носир Бухорий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Мушфикий, Турда Фароғий, Аҳмад Дониш каби не-не муътабар зотларнинг излари бор Бухоронинг тор кўчаларида. Тупроғининг ҳар зарраси кўзларга тўтиё, Минораи Калон, Масжиди Калон, Чор Минор, Мир Араб каби булутларга ёндош минораю мадрасаларининг ҳар гишти беадоқ дoston, ҳар бўёғи афсонавий чаманзор бог.

Кўчалар муюлишидаги мўйсифид тутлар, уйчан толгу гу-жумлар барҳаёт бахшилар мисоли боболаримизнинг олис армонларидан, Спитамен наъраси, Маҳмуд Таробий ҳайкириғи, сарбадорлар киличнинг жананглири, эрк-озодлик йўлида курашган шавкатли аждодларимизнинг бирда шодон, бирда вайрон, бирда тўзону тўфонли кунларидан дардчил ҳикоятлар сўйлайди. Шаҳар осмонида сокин қанот ёзган оқ лайлақлар, Лаби Ҳовуз бўйидаги сертабассум Насриддин Афанди эса бу дунё аломатлари қошида лопу ҳайрон, табассум қилиб тургандек бўлади гўё...

Неча юз йиллардан буён дунё табибларига дарслик бўлиб келаётган «Тиб қонунлари» муаллифи Абу Али ибн Сино ҳазратлари, Султон Бозид иккинчи даврида миния-тюра санъатини биринчи бўлиб Туркияга олиб кирган ўзбек санъаткори Бобо нақошдан то академик Иброҳим Мўминов ва шоир Садриддин Салимгача бўлган яна юзлаб алломаларга бешик бўлган бу табаррук диёр. Унинг ҳар гиёҳи, ҳар дарахти, ҳар йўлағи, ҳар нафаси очилмаган сирлар, айтилганидек, яратиш иштиёқи қоплайверди қадим воҳани. Ва...

Шу зайл чечаклар кула бошлади,  
Кўнгишлар ғайратга тўла бошлади.

3

Бир қирғоғи қўшни Туркменистон Республикаси билан, бошқа қирғоқлари мамлакатимизнинг Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси билан чегарадош, қарийб 40 минг квадрат километр майдонда тирикчилик қилаётган 2 миллион 100 мингга яқин аҳоли энг шимариб ишга тушди.

Аристонтов, Олтинтов, Етимтов, Томдитов, Қултуқтоғ кучоғидаги силур, девон, тошқумир, бўр, палеоген; Мурун-тов, Айтимтоводаги рангли ва нодир металллар; вилоят шимолдаги графит, олтингургут, гипс, кварц, оҳактош каби хазиналар; Отбосион, Қулбешқор, Қандим, Оққум, Доях-тиян, Тошқудуқ, Ғазлидаги конлар белни маҳкам боғлади. Ютуқлар уйтуқларга, янгиликлар янгиликларга уланди.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиғи ёки таълим дейсими, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ёки тадбиркорлими — қай соҳа бўлмасин бойчечакдек очилди. Тарих учун ниҳонда қўсқа, бор-йўғи саккиз йилда саксон йиллик манзил ишғол қилинди.

Мана, улардан айримларининг рақамлардаги қиёфа-лари:

— 2017 йилда 17,2 триллион сўм бўлган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2024 йилда 71,6 триллион сўмга, аҳоли жон бошига ЯҲМ 18,2 миллион сўмдан 34,7 миллион сўмга кўпайди.

Жумладан, 2024 йилда 2017 йилга нисбатан: — саноат маҳсулотлари ҳажми 6,6 баробар, — хизматлар ҳажми 6,3 баробар, — қурилиш ишлари ҳажми 6,6 баробар, — қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ҳажми 3,2 баробарга ошди.

2017 йилда 59,8 мингта иш ўрни яратилган вилоятда 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 3,9 баробарга ўсиб, 231,5 мингтага етди ва 2017 йилда 5,5 фоиз бўлган ишсизлик даражаси охириги 8 йилда 5,1 фоиз қисқариб, 0,4 фоиз пасайди.

2024 йилда 37,3 минг нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Тадбиркорлар сони 37,6 минг нафарга етиб, 2017 йилга нисбатан 25 минг нафарга ошди. Уларнинг вилоят иқтисодиёти (ЯҲМ)даги улуши 73 фоизга етди.

Маҳаллий бюджет даромади 2017 йилдаги 1,3 триллион сўмдан 2024 йил якуни билан 3,9 триллион сўмга ай-ланди.

Маҳаллий бюджет ихтиёрида қолган 215,3 миллиард сўм маблағлар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш мақсадларига сарфланди.

4

Хўш, бу ютуқларнинг сири нимада? Ер ўша, сув ўша, об-ҳаво ўша, одамлар ўша — ҳаммаси аслида бор эди-ку? Ижтимоий тармоқда яқинда эълон қилинган қуйидаги пост ориқли саволга жавоб бергандек бўлади, назаримда: дунёда Эфиопия, Судан деган давлатлар борлигини ҳамма билади. Уларнинг биринчисида 54 миллион, иккинчисида



42 миллион сигир боқилади. Аммо бу мамлакатларнинг ик-ковиям қоқоқ ва қашшоқ. 11 миллион сигир парваришлай-диган Нидерландия эса, жаҳонни сутли маҳсулотлар билан таъминламоқда. Демак, муаммо сигирларда ёки бойликда эмас, балки иқтисодийётни оқилона бошқаришда экан...

Энди кечаги ҳавопарга замбарак ўқлари ёғдиришдан тийилиб, босиб ўтилган қадамларни озгина таҳлил қилсак, не боисдан эғнимиз юпун, дастурхонимиз ғариб бўлгани равшанлашади. Демак, мамлакатда бошқарув сиёсатини тўғри йўлга туширмоқ лозим.

Миллат ва давлат учун беҳад таҳликали кунларда сиё-сат оламида Шавкат Мирзиёевнинг пайдо бўлиши адо-латли, шаффоф сиёсатнинг ўрни қанчалар муҳим эканини тезда аён кўрсатди. Шавкат Мирзиёев билан нафақат Ўз-бекистонда, балки қадим Турону Туркистонда тарихий туб бурилишлар даври бошланди. Бунга ўша кунларда унча тушунмаганлар ҳам бугун яққол тушуниб турибдилар. Халқаро анжуманларда, мажлис машваратларда, суҳбату давраларда дунё сиёсатчилари томонидан билдирилаёт-ган эътирофларда эса катта ҳикмат мужассам.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев иқтидорга келганидан сўнг сиёсий ва иқтисодий бошқарув тизими тубдан ўз-гара бошлади. Жамият ҳаракатга келди. Димланиб ёт-ган эшиклар очилди. Чим босган ариқлар, ажриқ қопла-ган далалар тозаланди. Шижоатга ундайдиган, қўлига кет-мон, бел бериб, ўзиям энг шимариб ишга киришадиган одам тинмасдан мамлакат кезде. Фуқаролар ҳолидан ха-бар олди, гурунлашди, дардини, ҳасратини эшитди, орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлларини қидирди.

Кўп ўтмай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажиб янгиликлар содир бўла бошладики, одамлар асрлар давомида ҳуши туғул, етти ухлаб тушишда ҳам кўрган эмасди бунақасини.

Давлат раҳбарининг туйғулари, қайғулари, уйку бермаган безовталиклари, бутун Бухорою азинининг ташвишига, безов-талиғига айланди. Кейинги йиллари мазкур воҳага қилинган саккиз ташриф эса қайнар бўлоқ мисоли туну кун уйғоқ, тий-рак бўлишга чорлади ҳамма-ҳаммани. Ўртбосимиз қалбида ҳаммаша ловуллаб тургуви ёрқин аланга катта-ю кичкинн-г кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Ифтихор дейилмиш мар-дона туйғулар қайтди Бухоро томонларга ҳам.

Сўнгги беш йилда Президентнинг вилоятни ижтимо-ий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган саккизта фар-мон ва қарори қабул қилинди. Ўз вақтида қўрилган чо-ра-тадбирлар ва мамлакатимизда ибратли урфга айлан-ган илҳомбахш ташаббуслар минг-минглаб кўнгилларга хуррамлик бағишлади, хонадонларга ободлик, дастурхон-ларга файзу барака киритди, камбағаллар, ишсизлар ка-майди. Сайхунобод, Зарбдор, Ғиждувон, Уйчи тажиба-лари асосида 150 мингдан ортиқ киши иш билан таъмин-ланди. 12,9 минг нафар фуқарога имтиёзли кредит, 2,5 минг кишига субсидия ажратилди. 4,2 минг киши касб-ҳу-нар ва тадбиркорликка ўқитилди, улар ҳам ишли бўлдилар.

Ориқли муаммонинг яна бири, хорижда ишлаётганлар тақдир эди. Муаммони ҳал қилиш учун вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида маҳалла етилиги иштирокида хат-лов ўтказилди. Уйма-уй юриб ўтказилган мазкур тадбир на-тижасида хорижда ишлаётган ва 500 доллардан кам даро-мад топаётган 13,5 минг мигрантнинг рўйхати шаклланди. Улар билан онлайн ZOOM электрон платформаси орқали мулоқот ўтказилиб, юртимизда яратилаётган шароитлар тушунтириб берилди. Натижада бир йилнинг ўзида 32,5 минг киши Бухорога қайтиб келди. Келганлар иш билан таъминланди. Хорижда меҳнат қилиш истигади бўлганлар эндиликда махсус дастурий тизим асосида тайёрланмоқда — тил, касб-ҳунар ўргатилгати уларга. Қўсқа вақтда четда ишлаш ниятидаги 3 647 фуқаронинг 380 нафарга саноат, 2 242 нафари хизмат кўрсатиш, 392 нафари қишлоқ хўжа-лиғи, 633 нафари қурилиш каби 20 дан ортиқ касбга ўқи-тилди. 1 524 нафарига инглиз, немис, корей, япон ҳамда рус тиллари ўргатилди. Мақсад битта — бухоролик мигрант бундан буён ҳаловатда меҳнат қилсин.

5

Дарёга айланди ирмоқлар, сойлар,  
Қаддини ростлади муқаддас жойлар.

Аҳли дун дарё-ю тоғлар ошдилар,  
Шошдилар, Бухоро томон шошдилар.

Шошдилар... Жаҳон аҳли азал-азалдан жаҳон халқла-рининг ҳавасини келтирган, ўн эмас, юзлаб ноёб архитек-тура ёдгорликлари, тарихий маъзиллари, 1000 йилдан буён гўзал қиёфасини сақлаб келаётган Исмоил Сомоний мақ-бараси; асрлар давомида Бухоро ҳукмдорларининг расмий





# КЎЗИМИЗ ҲАМ, БОТИР БЎЛСИН»

академик Азамат ЗИЁнинг «Юзма-юз+» учун берган интервьюси



**ворисларни тарбиялаш мумкин-микан? Шу масалада ҳам фикрингизни билмоқчи эдим. Чунки ушбу масала нафақат мени, балки кенг жамоатчилиكنи ҳам бирдек қизиқтирмоқда.**

— Эсингизда бўлса, ҳурматли Шавкат Миромонович Президент сифатида иқтидорга келганларида биринчи учрашувни олимлар билан ўтказгандилар. 2016 йил 30 декабрь куни бўлиб ўтган ўша тарихий йиғилишда айтганлари ҳеч эсимдан чиқмайди: «Олдимизда жуда катта ишлар турибди. Кўплаб муаммолар бор. Уларни билимсиз, илмсиз ҳал қилиб бўлмайди ва мен бунда сизлар — олимларга, илм ва билимга суянаман».

Айнан шу кундан бошлаб мустақиллик давримизда илм-фан, билимга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Орадан саккиз йил ўтди. Бу вақт оралиғида олимларнинг ойлғи уч баробарга ошди. Фанлар академиясидаги илмий фаолият тўлиқ бюджетдан молиялаштирилмайдиган бўлди. Энг муҳими, бюджет тизимига ўтказилгандан кейин ҳам, шахсан давлатимиз раҳбарининг топшириқлари билан давлат илмий лойиҳаларини молиялаштириш жамғармаси сақлаб қолинди. Илмий даражаси бор олимларнинг ойлиқлариغا 30 — 60 фоизли устамалар белгиланди, яъни фан номзодларига 30, фан докторларига 60 фоиз. Лойиҳалардан олинадиган, олий ўқув юрталардан дарс беришдан маблағлар ҳам қўшиб саналганда, илмий ходимларимизнинг ҳозирги умумий даромадлари бундан бор-йўғи саккиз йил бурун бировнинг тушига ҳам кирган эмас.

Ҳозир илм ривожланиш йўлида кетмоқда. Жумладан, тарих фани ҳам. Айни пайтда ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг ўн жилдлигини яқунлаш арафасида турибмиз. Буни жуда қийинчилик билан амалга оширялмиз. Нега? Чунки орамызда ҳалиям эскича фикрлайдиганлар етарли. Энг ёмони, ушбу ҳолда олий ўқув юрталарини тамомлаб, бизга ишга келаётган мутахассислар мисолида ҳам яққол сезилмоқда. Ачиққ бўлса-да, бу — ҳақиқат! Демак, тарихчи-мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш керак.

Дарсликларга келсак, мустақилликнинг илк йилларидан уларни тайёрлаш тизимининг ўзига хос бир «дунё»си шакллантирилганини очик айтишимиз керак. Унинг асорати Янги Ўзбекистон босқичида ҳам сезилмоқда. Қуруқ гап бўлмаслиғи учун 2022 йили яратилган 7-синф тарих дарслиғи, хусусан, юртимизнинг араблар томонидан босиб олинишига бағишланган мавзусини олайлик. Уни 13 — 14 яшар болаларга етказишда мустахлак — совет даврида шакллантирилган ёндашув қўлланганидан ташқари, юртимизга уюштирилган босқинларнинг тепасида турган, қанчадан-қанча аждодларимиз ёстигини қуритган, шаҳар ва қишлоқларимизни ер билан битта қилган, илмий ва маданий меросимиз, олимларимизни қириб ташлаган Қўтайбага берилган таърифни қаранг: «Қўтайба ибн Муслим ғайратли ва удабурон лашкарбоши, адолатли ҳукмдор, ҳиёнати ёқтирмайдиган, ўжар табиатли, илмли ва шеърятни қадр-

ловчи инсон». Болалиқда билгани тошга ўйиб битилгани қонуниятидан келиб чиқсак, ўз қўлимиз билан келажак авлод онгига босқинчи-душманга нисбатан меҳрни сингдириб қўйиб, йиллар ўтгач, бунинг оқибатлари билан курашиб юраимизми? Ё бўлмаса, бугун ҳам ўзим шахсан билган хусусий мактаблардаги тарих дарсларида Амир Темури туғилганда қўли қон бўлган, икки бармоғи бўлган эмас, деган аҳмоқона гапларни айтиб, буюк бобомизга қарши руҳда яратилган фильмларни «youtube»дан олиб кўрсатилаётгани бизни хавотирга солиши керак.

Бироқ сўнгги йилларда вазият ижобий томонга ўзгарганини ҳам айтишимиз лозим. 2023 йили ҳурматли Президентимизнинг тегишли қарорларига қўра, Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази тузилди. Айнан уларнинг ташаббуси билан бизнинг институт билан ҳамкорлик бошланди. Биз жамиятда тарихий тафаккурни тарбиялаш бўйича ўзимизнинг кенг қамровли ўзаққарашимизни тақдим этдик. Марказ раҳбариятига маъул келди ва бирга ишлайдиган бўлдик.

**— 2017 йилдан кейинги сиёсатга разим соладиган бўлсак, Ўртбосқимиз, энг аввало, минтақанинг бошини бирлаштирди ва кўп йиллардан буён ечимини кутиб ётган масалалар ижобий ҳал бўлди. Айниқса, қўшнилар билан чегара борасида бирон-бир ечилмаган муаммо қолмади, ҳисоб. Умуман, минтақанинг ҳамжиҳатлиғи, бирлиги нуқтаи назаридан олиб қараганда, тарихимиз ҳам, илдимизиз ҳам бир жойга бориб тақалади. Шундай экан, нега минтақанинг тарихчилари, олимлари, маданият арбоблари бирлашиб, ўтмиш, анъаналар, урф-одатлар, буюк шахслар ҳақида яқдил қарорга келишмайди? Нимани назарда тутайтганимни тушундингиз, албатта...**

— Агар юз йил олдинги матбуот, жадидларимиз қарашларига эътибор берадиган бўлсак, улар минтақамизни Марказий Осиё деган эмаслар, аксинча, Туркистон, Турон деб атаганлар. Ўтган йилги Ўзбекистон ССР тузилганлигининг 100 йиллигини нишонлаймиз, деганлар ҳам бўлди. Буни шахсан мен эскича қарашнинг фожиавий ва сўнгги сарқитлари, деб биламан. Ваҳоланки айнан 1924 йили Россия империяси «майда-лаб ют» сиёсатини қўллаб, Туронимиз, Туркистонимизни узил-қесил парчалаб ташлашга киришган ва Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССРни тузган. Бу устимиздан ҳукмронлик қилмаган, деганларнинг шу ўлкани тарқатиш, халқларини бир-бирдан узоқлаштириш йўлидаги ҳаракатларга ёрқин далилдир. Чунки минтақамизнинг кучи доимо унинг бирлигида билинган. Аммо бирлигини таъминлаш иши ҳар кимнинг қўлидан келавермагани ҳам тарихий ҳақиқатдир. Сўзларимни салкам 700 йиллик ўтмишимиз мисолида асослайдиган бўлсам, минтақани Амир Темури (1336 — 1405), у кишидан кейин Шохрух

(1377 — 1447), Абу Саид (1424 — 1469) ва Абдуллахон (1534 — 1598) бирлаштирилганлар. Яъни мазкур иш сўнгги бор XVI юзйилликнинг охириги чорағида юз берган. Орадан тўрт юз йилдан ортиқ вақт ўтиб — XXI юзйиллик 20-йилларига келиб, Марказий Осиё, яъни Турон, Туркистонни бирлаштиришни Шавкат Мирзиёев уддалади. Бу тарихий ҳақиқат ва ундан ҳеч ким кўз юмолмайди.

**— Ёлнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Қардошларимиз билан ҳали қарасанг, Ибн Сино, ҳали қарасанг, Абу Райҳон Беруний бобомизни «сеники-меники» деб талашиб ётибмиз. Уларда бошқа тарих ўқитилляти, бизда бошқа тарих... Қўшни давлатлар тарихчилари билан ўзаро маслаҳатлашиб, яқдил қарорга келсак, ягона тарих дарслиқларини яратсак бўлмай-дими?**

— Сиз айтаятгандек қилиш учун, аввало, тарихни яхши ўрганиш керак. Очигини айтмаман, ўз ўтмишимизни бутун бўй-баста, ранг-баранглиғи, мазмуни билан билмаймиз. Билимларимиз сўнгги юз йилда яратилган ишлар негизида қолиб кетган.

Тўғри, минтақамизнинг бирлигини таъминлаш нуқтаи назаридан барча йўналишларда борди-келди, ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Президентларимиз ўртасидаги муносабатлар жуда қалин. Ҳукумат бошлиқлари, вазирлар, вилоят ва туман ҳокимлари ўзаро борди-келди қилмоқдалар. Фақат Марказий Осиё олимлари ўртасидаги ҳамкорлик кўнгилдагидек эмас. Минтақа олимлари, айтиялик, Тошкентда ёки бошқа бир шаҳарда йиғилиб, хоҳ аниқ фанлар, хоҳ ижтимоий фанлар бўйича бирон марта кенгашганлари йўқ.

**— Шундай таклиф ва ташаббус билан чиқишга шахсан сизга нима монелик қияляпти?**

— Бу борада илк қадамни ташладик. Сохибқирон бобомиз туғилган кунлари муносабати билан 7 апрелда ўтказилган «Амир Темури ва темурийлар мероси» эллараро илмий йиғинига Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон тарих, шарқшунослик, археология, элшунослик институтлари директорларини чорладик. Тожик ва туркман ҳамкасбларимиз маълум сабабларга қўра келолмадилар. Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари билан очик-часига гаплашиб олдик. Гапимиз бир ердан чиқди. Тошкент баёноти ни қабул қилдик. Унда, жумладан, Марказий Осиё тарихчилари уюшмасини тузиш, «Турон» илмий журнални таъсис этиш, ёш тарихчиларнинг ёзғи ўқишларини ўтказиш, биргалиқда илмий лойиҳаларни бажариш, илмий йиғинлар ташкил этиш каби ташаббуслар олға сурилган. Энди барчаси ўзимизда қолган. Ишни охиригача етказамиз, деган ишонч билан ҳаракатдамыз.

**— Мустақил бўлганимизга 33 йилдан ошди. Демак, бугунги тарих ҳам қардадир ёзилмоқда? Утган саккиз йилни кўп гапирялмизу, ун-**

**гача бўлган 25 йилликка сиёсий баҳо бермаялмиз... Балки, бунинг фурсати келгандир?**

— Тўғри айтдингиз. Бу мен учун ҳам энг катта масала, энг катта муаммо. Мана тўрт-беш йилдирки, мустақиллик даври тарихини замонавий билимлар негизида ва ҳолис таҳлил қилиб берадиган муносиб тадқиқотчиларни тополмаялмиз. Ҳолбуки ушбу босқич бўйича юзлаб диссертациалар бор. Барчаси ура-ура! Қанчадан-қанча муаллифларни синаб кўрдик. Мақсад бу замонни мақтаб, унисини ёмонлаш эмас. Таҳлилий ва ҳолис, тўғридан-тўғри бирламчи манбаларга суянган тарзда ёзилса бўлди. Шу ўринда бир гапни айтишни бурчим, деб биламан. «Мустақиллик ёдгорлиғи»ни очаётганда ҳурматли Президентимиз зиёлиларга қарата «Тарихимизни қандай бўлса, шундай еритинглар, оқни — оқ, қорани — қора денглар», деб айтган гаплари шахсан менга жуда катта далда бўлган эди.

Нега айнан ушбу жиҳатга урғу бермоқдаман. Одамлар тарих фанида ҳамма нарса осон кетаяпти, деб ўйлайдилар. Ташқаридан қараганда шундай туюлиши мумкин, бироқ иш жараёни рисоладагидек кечаяпти, деб бўлмайди. Илмий ходимларни эскича қараш ва қолиплардан халос қилиш ўта қийин кечмоқда. Мустахлак — совет даврида илдиз отгани етмагандек, мустақилликнинг илк чорағида ҳам «парваришланган» кўникма ва фикрлар қилинган ёки қамалган. Юқорида тилга олинган энг катта бойлик ва тарихий ютуғимиз — эркинлик шарофати билан бугун фикрлар хил-хил, қарашлар турли. Замонамизнинг зўрлиғи, миллий етакчимиз яратиб берган муҳитнинг қиммати ҳам шунда!

Яқинда икки шоғирдим — бири мустақиллик даврида хусусийлаштириш, иккинчиси мустақиллик даврида чорвачилик масалалари бўйича номзодлик ишини ёқладилар. Уларнинг изланишлари аввалгиларидан тубдан фарқланди, аниқроғи, ҳақиқат ёзилди. Бироқ улар келтирган далиллар, қилган таҳлиллар, ҳулосалар, берган баҳоларга илмий кенгашдаги ҳимоя чоғида ҳамма ҳам бардош беролгани йўқ. Ҳолбуки, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, шонли тарихимиз, ўтмишимиздан гурурланиш, ундан куч олиш, шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, хатолардан сабоқ чиқаришимиз лозим.

**— Бу, табиий, тарихдан сабоқ олинади...**

— Тарих шунинг учун керак.

**— Азамат ака, мазмунли суҳбат учун ташаккур. Назаримда, жамоатчилиكنи қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб олдик.**

Хусан ЭРМАТОВ  
суҳбатлашди



## ТАФАККУР БАҲСЛАРИ

**— Болалигимдан шахмат ўйнаб келаман. Шу сабабли менда эслаб қолиш қобилияти, мантиқий фикрлаш салоҳияти анча юқори. Шахмат ақлий ва меҳнат фаолиятимда ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам менда қариллик аломатлари ҳеч сезилмайди, — дейди 60 ёшни қаршилаган Маҳмуд Гулямов.**

Шахмат ўйини тафаккурни ривожлантириб, ақлий ва жисмоний фаолиятни яхшилашда, теран ва стратегик фикрлашда, шу билан бирга, меҳнат самарадорлигини оширишда ёрдам беради. Шу сабабли, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси спортнинг айнан шахмат турига алоҳида эътибор қаратиб, мусобақаларни кенгайтириш, шахматчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор амалий ишлар олиб бормоқда. Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги «Шахмат мактаби»да Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган шахмат мусобақаси ҳам ана шу ишларнинг бир намунасидадир.

Қатор тармоқлар ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, ҳаваскор қатнашчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган мусобақада ёшлардан тортиб, ёши улғу иштирокчиларнинг ҳам қатнашгани ўйинларга ўзгача фойз киритди. Эркаклар ўртасида кечган баҳсда Абдужафар Исламов, аёллардан Татьяна Гарашенко ғолибликни қўлга киритишди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Диёра РАВШАНОВА  
«ISHONCH»



## СОҒЛОМ ТАНДА — СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши, мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда тумандаги спорт мактаби ҳамкорлигида «Соғлом танда — сифатли таълим» шиори остида Касаба уюшмаси кубоғи спорт мусобақалари бўлиб ўтди.**

Қизғин баҳсларга бой бўлган беллашувлар натижаларига қўра, шахматда аёллар ўртасида 1-мактаб мусиқа фани ўқитувчиси Индра Тагаева, эркаклар ўртасида 18-мактаб ўқитувчиси Аллаёр Нурматов биринчи ўринларни эгаллашди. Стол теннисида аёллардан 14-мактаб мусиқа фани ўқитувчиси Холида Ўбайдуллаева, эркаклардан 12-мактаб ўқитувчиси Давлатбай Таймуратов, волейболда аёллардан 5-мактаб, эркаклар ўртасида 1-мактаб жамоалари ғолиб бўлишди. Мини футболда 5-мактаб жамоасига тенг келадигани топилмади.

Мусобақа сўнгида ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мурод БЕКҚУЛОВ,  
Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси Мирзачўл  
тумани кенгаши раиси



# МАЪРИФАТ ВА ЗИЁ СОҲИБЛАРИ ТАЯНЧ НУҚТАМИЗ

шу кунларда юртимиз бўйлаб Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳафталиги бўлиб ўтмоқда

■ ҲАФТАЛИК

Жамият ўзгариши учун унинг тарбиячилари – таълим ва фан соҳаси ходимлари қадр ва эъзоз топтоғи даркор. Шундагина улар ўзининг бор меҳри ва маҳоратини келажак авлод тарбиясига қаратади. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам йил давомида аъзолари бўлган педагог ходимлар билан мунтазам иш олиб боради. Жумладан, касаба уюшмалари фаолиятидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, касаба уюшмаси ташкилотининг меҳнат жамоаларидаги ўрни, ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти ва бошқалар ҳақида тарғи-

бот тадбирлари, учрашувлар, фаолликка чорловчи спорт мусобақалари уюштириб келмоқда. Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан айни кунларда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳафталиги ўтказилмоқда. Бу жараёнда ижтимоий ролик ва эсселар танловлари, интеллектуал мусобақалар, ёш олимлар ўртасида қизиқарли беллашувлар, саёҳатлар ва яна бошқа ранг-баранг тадбирлар ташкил этилмоқда. Қўйида ҳафталик тадбирлари ҳақида муҳбирларимиз мақолалар орқали батафсил танишишингиз мумкин.

## ЁШ ОЛИМЛАР ТАНЛОВИ

Ҳафталик доирасида бўлиб ўтган энг қизиқарли тадбирлардан бири Фанлар академиясида ташкил этилган «Энг фаол ёш олим» кўрик-танлови бўлди. Ёш олимларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижалари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда уларнинг илмий изланишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш мақсад қилинган кўрик-танловнинг республика босқичида Фанлар академияси илмий ташкилотларида изланиш олиб бораётган 15 нафар ёш олим қатнашди.

«Физика-математика ва техника фанлари», «Кимё, биология, тиббиёт ва кишлоқ ҳўжалик фанлари», «Ижтимоий-гуманитар фанлари» йўналишидаги чиқишларда тадқиқотчилар ўзлари олиб борган илмий изланишлари ва эришган ютуқлари ҳақида тақдимот қилдилар. Фанлар академияси Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюпов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари эса уларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Жумладан, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Тўхтамурод Жўраевнинг наносуюқликлар иxtirosига бағишланган илмий мавзуси ва уни амалиётга татбиқ этиш босқисидо олиб бораётган изланишлари, Сардор Жалиловнинг «Ўзбекистонда ногиронларнинг ҳуқуқларини тақомиллаштириш» мавзусидаги, Моҳинур Аҳмеджановнинг санъатшунослик йўна-



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

лишида миллий телесериалларнинг ривожланиш тенденцияларига бағишланган ва Тимур Мамарозиқовнинг сейсмология йўналишидаги тақдимотлари қизгин баҳс-мунозара ва муҳокама-ларга бой бўлди.

Тақдимотдан сўнг ёш олимларнинг меҳнат ҳуқуқи ва касаба уюшмаларида оид билимлари ҳам синовдан ўтказилди. Айтиш жоизки, изланувчилар нафақат ўз соҳасида, балки меҳнат ҳуқуқи ва касаба уюшмаларининг фаоли-

ти ҳақида ҳам яхши билимга эга эканликларини кўрсатишди.

– Энергия манбаларининг тақчиллиги долзарб бир пайтда, илмий ишнинг мавзуси наносуюқликлар, яъни иссиқлик ташувчи моддалар билан боғлиқ мавзудир. Агар биз иxtiros қилган суюқлик амалиётда қўлланилса, у ҳозир ишлатилаётган энергия ресурсларига сарфланаётган харажатларни 30 фоиздан 50 фоизга қисқартиради, – дейди докторант Тўхтамурод Жўраев.

Халқ тилида «антифриз» деб номланувчи суюқликка ўхшаш модданинг янги турини иxtiros қилган Тўхтамурод ўтган йили Италиядаги тадқиқот марказида малака ошириб келди. Эндиликда у ўз янгилигини амалиётга татбиқ этиш олдидан ўтказиладиган синовларга эътибор қаратмоқда.

Тақдимотлар ва қизгин савол-жавоблар тугагач, ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг илмий иш мавзусига оид иxtirosи, патенти, илмий натижаси, инновацион кўргазмалардаги иштироки, дарсликлар ва қўлланмалар, илмий-оммабоп китоблар нашр қилганлиги кабиларни инобатга олиб, умумий балларни эълон қилди. Унга кўра учта йўналишда 1-, 2- ва 3-ўрин соҳиблари номи эълон қилинди.

Физика-математика ва техника фанлари йўналиши бўйича Сейсмология институти илмий ходими Тимур Мамарозиқовга, кимё, биология, тиббиёт ва кишлоқ ҳўжалиги фанлари йўналиши бўйича Умумий ва ноорганик кимё институти илмий ходими Абдор Рўзметовга, ижтимоий-гуманитар фанлари йўналиши бўйича Санъатшунослик институти илмий ходими Моҳинур Аҳмеджановга биринчилик насиб этди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар тақдим этилди.

Танлов ҳар бир иштирокчининг ўз олдига аниқ ва дадил мақсадларни қўлаб интилаётганини, теран билим ва фикрга эга эканини, бир сўз билан айтганда, келажакимиз ишончли қўлардалигини исботлади.

Забунисо ЯНГИБОЕВА

Кўни кеча Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳафталиги доирасида «Уч авлод учрашуви» ҳамда «Касаба уюшмалари: кеча, бугун ва эртага» эсселар, «Касаба уюшмаси менинг ҳаётимда» номли ижтимоий роликлар танловлари республика босқичининг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмаси фахрийлари, ўрта бўғин ва жорий йилги ҳисобот-сайлов ййгилишларида касаба уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайланган фаоллар қатнашишди.



Кувончбек ТўРАЕВ олган сурат

## БИР МАҚСАД, БИР ҒОЯ АТРОФИДА

Таъкидланганидек, «Касаба уюшмалари: кеча, бугун ва эртага» мавзусидаги эсселар танловида юртимиздаги мактабгача, мактаб, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларидаги 150 мингдан зиёд педагоглар фаол қатнашиб, ўз қарашлари, тажрибалари ва тақлифларини эссе орқали ифода этишди. Республика босқичига ҳудудий ғолибларнинг 15 та энг сара эссеси тақдим этилди. Мазкур ишлар соҳанинг етакчи мутахассислари ва экспертлари томонидан ҳолисона баҳолашиб, ғолиблар аниқланди.

Касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни, ходимлар маффаатларини ҳимоя қилишдаги роли, ёшлар тарбиясидаги таъсири йилдан-йилга ортиб бораётганини эса «Касаба уюшмалари: кеча, бугун ва эртага» танловининг республика босқичи ғолиби, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 2-умумтаълим мактаби

она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Барноғул Ражабованинг қўйидаги сўзларида ҳам яққол кўриш мумкин. – Танлов эълон қилиниши билан касаба уюшмалари ҳаракати ва унинг тарихи ҳақида чуқурроқ ўрганишга киришдим. Турли манбаларни, илмий мақолаларни ўқидим, касаба уюшмаларининг тарихий илдизлари ва айна дамдаги фаолияти билан билимларимни янада бойитганим ордидан бугун биринчи ўринга лойиқ кўрилдим. 2022 йилда ўқувчим «Менинг Президентим» танловида қатнашиб, ғолиб бўлганди. Ўшанда у 26 миллион сўм, мен эса мураббийси сифатида 10 миллион сўм билан тақдирланиб, бу ғалабадан ҳам куч, ишонч ва илҳом олгандим.


Ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари орқали ишчи-ходим-

лари ва уларнинг оила аъзолари манфаатлари ҳимоя қилиниб, соғлом турмуш тарзи, маданий дам олиш ва муносиб меҳнат шароитлари яратилишида амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Айни шу мавзунларни кенг жамоатчиликка етказиш, ходимлар ҳаётида касаба уюшмасининг тутган ўрни, таъсирини кўрсатиш мақсадида мамлакат бўйлаб «Касаба уюшмаси менинг ҳаётимда» номли ижтимоий видеороликлар танловининг минтақавий ва ҳудудий босқичлари ташкил этилди. Унда 49 мингга яқин касаба уюшмаси фаоллари ўз ижодий ишланмалари билан иштирок этишди. Ғолиблар белгиланган баҳолаш мезонлари асосида аниқланди.

Ҳар иккала танлов ғолиблари муносиб тақдирланди.

Ферузобону БЕРДИЕВА

■ 28 АПРЕЛЬ – БУТУНЖАҲОН МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ КУНИ



Биз ҳаётимизнинг муҳим қисмини ишда ўтказамиз. Ва албатта, муносиб ҳақ тўланишини, имкон қадар хавфсиз ва қулай муҳит бўлишини истаймиз. Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойиллари, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омилдир.

Бутун дунё ҳамжамиятида иш жойларида содир бўлаётган оқибатни енгил, оғир ва ўлим билан тугайдиган бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларида қалинишларнинг олдини олиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш муҳим масалалар қаторида туради. Маълумотларга кўра, ҳаттоки, касб касалликлари келиб чиқишида ҳам ишлаб чиқариш муҳити ёки меҳнат жараёнининг ноҳуш омиллари таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар йили иш жойларида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар кўпроқ кишлоқ ҳўжалиги, яъни бутун дунё ишчи кучининг деярли ярми машғул бўлган соҳада кузатиляпти. Тадқиқотларга кўра, Европада 50-60 фоизгача иш вақти йўқотилиши ишлаб чиқаришдаги стресс билан боғлиқ.

Афсуски, бир қарашда оддий бўлиб кўринган салмоқли рақамларнинг ўзи ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш масаласи қанчалик жиддий ва муҳим эканини яққол тасдиқлаб турибди.

Ҳар йили 28 апрелда бутун дунё миқёсида Меҳнатни муҳофаза қилиш куни кенг нишонланади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ушбу ташаббуси 2003 йилдан буён давом этиб келяпти. Келинг, дастлаб оддий моҳиятига тўхталамиз. Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни бу – хавфсиз, соғлом ва муносиб меҳнат шароитларини тарғиб қилишга қаратилган йиллик халқаро кампания. Яъни бу кун дунёда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олишга ҳисса

қўишга қаратилган. У иш жойларидаги хавфсизлик ва шароитларни қандай яхшилаш мумкинлиги ҳамда иш жойларида соғлиқни сақлашнинг сиёсий аҳамиятини қандай тарғиб қилиш ҳақида хабардорликни ошириш мақсадларини қўзғайди.

Шунингдек, уни рамиш маънода хавфли, но-соғлом ва оғир меҳнат шароитлари тўғрйли ҳалок бўлган, жароҳатланган ёки касб касалликларига учраган ишчиларни хотирлашга бағишланган халқаро сана сифатида ҳам изоҳлаш мумкин. Бу кунга бағишлаб 1996 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотида (Нью-Йорк шаҳрида) бўлиб ўтган биринчи халқаро маросимдан буён Халқаро хотира кунини нишонлаш ташаббуси бутун дунё касаба уюшмалари ҳаракатини қамраб олди.

Айтиш керакини, барча давлатлар қатори бизнинг мамлакатимизда ҳам меҳнат қилиш, унинг муҳофазасига оид ҳуқуқлар қонунан қафолатланган. Кишиларнинг меҳнатга оид барча ҳуқуқлари, бу борада белгиланган қоидалар Конституциямиз, Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2023 йилда Ўзбекистонда ходимларни касбий хавф-хатардан ҳимоялаш бўйича халқаро конвенция ратификация қилинди. Яъни Президент

## МЕҲНАТ МУҲОҒАЗАСИ – ХАВФСИЗ ҲАЁТ КАФОЛАТИ

томонидан имзоланган қонун билан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ходимларни иш жойидаги ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар тўғрйли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилинди.

Аҳоли томонидан қизгин қўллаб-қувватланган янги тахрирдаги Конституциямизга ҳам фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қаратилган янги нормалар киритилди. Масалан, унинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқи эгаллиги белгилаб қўйилди. Улар янги Меҳнат кодекси нормаларига бевосита уйғунлиги билан аҳамият-ятилидир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати барча корхоналардаги ишчи-ходимларнинг ҳаёти, соғлиғи ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан устуворлигини белгилаб беради. Ушбу сиёсат бўйича олиб бориладиган ишлар қамрови жуда кенг қўламли бўлиб, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ барча жабҳаларни ўз ичига олади.

Тўғри, мамлакатимизда ишчи-хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилишга оид қонуний асослар бор. Хўш, корхона ва ташкилотларда шунга яраша меҳнат муҳофазаси таъминланганми? Шарт-шароитлар ва камчиликлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Албатта, юртимизда ходимларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича жамоатчилик назорати тизимли йўлга қўйилган. Муносиб

меҳнат тамойилларини амалга ошириш мақсадида давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида конструктив ижтимоий мулоқот ўтказилишини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида Муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир ташкилот, корхона, муассасада ишчи-ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимлар саломатлигининг мунтазам назорати, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликларининг олдини олишга эътибор ниҳоятда катта. Хусусан, муносиб меҳнат концепцияси тамойилларига асосан Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг мурожаатлари юзасидан тезкор амалий чоралар қўриш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Аммо, очигини айтиш керак, ҳозирги об-ҳаво шароитидаги ўзгаришлар фаолият соҳасига, айниқса, ходимлар хавфсизлиги ва соғлиғига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Албатта, ҳамкорликда бу борада қатъий чоралар қўриш муҳим. Глобал иснш, ҳаво ҳароратининг ўзгариши очик ҳавода ишлаётган кишлоқ ҳўжалиги, транспорт ходимлари, давлат хизматлари, қурилиш, тез ёрдам, хизмат кўрсатиш, норасмий иқтисодиёт соҳаларида, ташқи миграцияда меҳнат қилаётганлар, иситилмайдиган ёки совитилмайдиган хоналарда вентилляция ва аспирация тизимлари билан бартараф этиладиган камчиликлар борлигидан кўз юма олмаймиз.

Шунингдек, норасмий меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам ташкилотлар билан тизимли ишлаш зарур. Бу, албатта, адолатли меҳнат шароитларини яратишни, ишчилар ҳуқуқларини

муҳофаза қилишни таъминлайди.

Гап шу ҳақда кетганда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бугун юртимиз улкан қурилишлар майдонига айланган. Бино-иншоотлар, уй-жойлар жадал суръатларда барпо этиляпти. Ана шундай бир пайтда баъзи майдонларда ишчиларнинг ҳаёти хавфсизлиги тўла таъминланмагани кишини хавотирга солади. Қурувчилар ишончсиз ҳавозалар устида, ўта хавфли шароитда меҳнат қилишади. Шунингдек, бошқа мавсумий ишларнинг ҳаммасида ҳам меҳнат хавфсизлигига тўлиқ риоя этиляпти, деб бўлмайдми.

Шуни унутмайликки, корхона, ташкилот ёки муассасада иш берувчи томонидан зарур шарт-шароит яратилмас экан, ходимлар бахтсиз ҳодисаларга дучор бўлиши, унинг ордидан бошқа оғир оқибатлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи бўлмайди.

Республикаимизда барча фаолият турлари учун меҳнат хавфсизлиги қоидалари белгиланган. Шу нуқтага назардан ҳар бир корхона ва ташкилот ўз ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги ҳақида жиддий ўйлаши керак. Зеро, бу борада бутун дунёда илгор ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳ а м бежиз эмас. Ҳаққоний ва хавфсиз шарт-шароитлар яратилиши ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, иш самараси ва сифати яхшиланишига, шу асосда аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалиши учун кўмаклашишга хизмат қилади.



Гулрухбегим ОДАШОЕВА «ISHONCH»

Охирги марта қачон циркка тушгансиз? Ҳа, ўша, «Чорсу»даги циркни назарда тутяпман... «Ўзинг-чи?» дейсизми? Ўзимга қолса-ку, ўша жойга бормасдим. Бунга вақт қайда? Аммо болаларим қўймади. Ўн кун олдин ҳамма ишга қўл силтадимۇ ҳайё-ҳайт деганча уларни етаклаб, циркка отландим... «Ўзбек давлат цирки». Бир асрдан ортиқ тарихга эга маскан... Дорбоз Тошкенбоевлар, чавандоз Зариповлар сулоласининг маҳорати, қизиқарли дастурлари ёши катта авлоднинг ҳали-ҳамон ёдида бўлса ажаб эмас... Бу даргоҳда не-не ижодкорлар ишламади дейсиз. Аммо унинг бугунги аҳволи мени чексиз ҳайратлантирди, аниқроғи, қаттиқ хафа қилди.

# БИЗГА ЦИРК КЕРАК ЭМАС(МИ?)

## ОҒИЗДА АЖРАТИЛГАН, АМАЛДА ЭСА...

Болалигимдаги цирк биноси билан ҳозиргиси бир-биридан тубдан фарқланади. Айниқса, бугунгиси чексиз «имконият шарт-шароитга» эга бўлибди. Йўлак бўйлаб бинога қирарканмиз, ноҳуш ҳиддан димоғимиз «яйради». Зах ва совуқ, тўкилиб, нураб, сарғайиб кетган деворлар, қоронги йўлак бўйлаб томоша залига аранг кириб олдик.

Масхарабоз, дорбоз, акробат ва бошқалар кетма-кетликда саҳна кўринишларини бошлашди. Болаларимнинг оғзи қулғонда, шод-хуррам. Менинг эса кўнглим ёришмади, болалик тасаввурларим тинчлик бермади. Наҳотки, болалик хотирамда абадий муҳрланиб қолган цирк шу бўлса... Поитахтининг қоқ марказидаги бино шу аҳволга келиб қолса-ю, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

Ахир, 2019 йил 23 январда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўзининг расмий сайтида цирк биносини таъмирлаш учун 46,63 миллиард сўм маблағ ажратилгани, ишлар бошлаб юборилгани ҳақида хабар тарқатганди. Шунча пулга бинони қасрга айлантириб юборса бўларди. Шу ҳаёллар билан ташқарига йўл олдим.

Очиқ ҳавода тургандим, 50-60 ёш атрофидаги отахон ёнимга келди. Набиларини олиб келган бўлса керак, деган ўйда уни секин рағга солдим. Билсам, у киши циркка қарийб 30 йил раҳбарлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Мажидов экан. — Ўша вақтда оғизда пул ажратилгандан хабаримиз бор, аммо амалда ҳокимият циркка ҳеч нарса бермаган, — деди у. — Бино охирги марта 1998 йилда таъмирланган. Ҳозирги ҳолат юзаси-



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

## «ЭРТАНИ БИЛМАСДАН ПУЛ САРФЛАЙ ОЛМАЙМИЗ»

Ўтган йили журналистлар билан бўлиб ўтган мулоқотда Маданият вазيري Озодбек Назарбеков «Ўзбек давлат цирки» биносига таъмирлаш ишлари бошланмаётганини қуйидагича изоҳлаган эди:

«Бизга кўп тақлифлар бўляпти, лойиҳалар ишлаб чиқилляпти ва қаеригадир келганда ишламайдиган нуқтаси чиқиб қоляпти. Натижада у лойиҳадан воз кечилляпти. Кейин бошқа бир лойиҳа устида ишланляпти. Ҳозир дунёда циркнинг функциялари ўзгараляпти. Унинг 20 йил олдинда функцияси билан буёунгиси бутунлай фарқ қилади. Агар биз ҳозир цирк биносини таъмирласак, 20 йил аввалги мезон билан таъмирлаймиз. Шундай қиладиган бўлсак, бир неча йлдан кейин бундай фаолият юртиманлар, ҳайвонларни циркдан чиқариб юборишлар, деган талаб келиб тушади. Беш йилдан кейин циркда ҳайвонлар умуман бўлмасин, дейилган тақдирда ҳам, ҳайвонлар сиз бемалол фаолият юртамдиган цирк бўлиши керак. Унинг аналови ҳали сизда ҳам, менда ҳам йўқ, ҳеч кимда йўқ. Бу масалада етти ўлчаб, бир кесилишимиз керак. Чунки ҳозир цирк биносининг таъмири учун жуда катта миқдорда маблағ сарфласак, беш йилдан кейин бундай цирк ишламайди, фаолиятини тўхтатинлар, дейишди, шунча пул сарфлаганимиз қолади, холос. Шошилмаётганимизнинг сабаби фақат шу».

Шу гаплар айтилганига анча бўлди. Шундан сўнг вазирлик цирк ҳақида бошқа баёнот бермади.

«ҲОЗИРЧА ШЕРИК ТОПИЛГАНИ ЙЎҚ»

Циркдан уйга болаларим шод, мен эса мутасаддир бўлиб қайтдим. Йўл-йўлакай ижтимоий тармоқларни титиб, бошқа давлатлардаги вазиятни ўргандим. Парadox ҳолат шундаки, биздан бошқа бирон-бир давлатда цирк орқага қараб кетмаяпти, аксинча, анада равнақ топяпти.

Мени, айниқса, Москвадаги ҳолат ажаблантирди. Бу шаҳарда цирк чипталари бир йил олдин сотиб бўлинаркан. Демак, уларда талаб юқори.

Маълумотларга кўра, Хитой, Франция, Канада ва АҚШда мазкур санъат турига қизиқиш йил сайин ортиб, томошабинлар сони уч фоизга ўсиб бормоқда.

Эртаси куни циркнинг келгуси тақдири нима бўлиши билан қизиқиб, Тошкент шаҳри ҳокимлиги Ахборот хизмати билан боғландим.

— Ўша вақтда цирк биносига ажратилган маблағ бошқа қарор билан яна қайтарилган. Сабаби, таъмирлаш ишлари пандемия даврида тўғри келган. «2023-2024 йилларда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллалар инфра-тузилмасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Ўзбекистон давлат цирки биносини реконструкция қилиш белгиланган. Аммо ҳозирча шерик топилаган йўқ, — деди Ахборот хизмати раҳбари Гулноза Қосимова.

Дарове, «Ёввойи ҳайвонларни сақлаш тартибни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳуқуқат қарори билан 2025 йил 1 январдан бошлаб, цирк томошаларини ўтказишда ҳайвонлардан фойдаланиш тақиқланди. Демак, Ўзбек давлат циркидаги ҳайвонлар билан боғлиқ оғриқли ҳолатлар ечим топиши мумкин. Аммо бино, томоша зали, жиҳозлар, ходимларнинг моддий таъминоти каби масалалар ҳали-бери ҳал этилмаса керак... Масъулларнинг муносабатидан шундай хулосага келдим...



Феруза РАҲИМОВА «ISHONCH»

## «ISHONCH»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

транспорт воситасига жарима қўллабди. Айни пайтда М.Калонхоновнинг бундай рақамли машинаси йўқ. Ўзига тегишли автотуловга 2024 йил 15 апрелда қайд қилинган қоидабузарликка 2025 йил 10 апрелда қайта жарима келганига нима дейсиз? Мазкур қоидабузарлик учун белгиланган жарима унинг ўғли томонидан ўша вақтининг ўзида сўн-дирилган.

— Буни қаранг, бизга нисбатан қўлланилган ноқонуний қардорликни мина машаққат билан бартараф этиб тураган бир пайтда яна айни ҳолатга дуч келиб турсам, шу адолат-даними? — дейди Муродхон Калонхонов. — Бу шунчаки тасо-дификман ёки мутасаддилар атайлаб қилишяптими? Қўлимда юқоридаги қардорлик ва жарималар мутлақо асоссиз эканини асословчи ҳужжатлар бор. Менга нисбатан қўлинаётган адолатсизликлар яна судга оширилиб, мажбурий тартибда ундирилмасдан олдин мутасаддиларга юзла-нишни лозим топдим. Чунки яна ташкилотларнинг остана-сида беҳуда сарсон-саргардон бўлишга энди тоқатим ет-майди.

Хўш, юқоридаги ҳолатлар буйича масъуллар нима дейишди? Улардан изоҳ қутамиз ва мазгува яна қайтамиз.



Гулумжон МИРАХМЕДОВ «ISHONCH»

## ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТ

# ТАЪТИЛДАГИ ХОДИМНИ ЖАЗОГА ТОРТИШ МУМКИН, ФАҚАТ...



Меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходим ўртасида турли низо ёки қонун бузилиши ҳолатлари бўлиши табиий, албатта. Ҳар икки томон ўзини ҳақ деб билиши ва охир-оқибат, кичкина масала катта муаммога айланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Низоли ҳолатларда меҳнатга оид қонунчилик ва икки томон ўртасида тузилган жамоа шартномасида белгиланган банд ва шартлар асосида иш тутиш лозим. Масалан, интизомий жазо қўлланилишидаги тартиб-таомил, йўл-йўриқни би-либ қўйсак, фойдадан холи бўлмайди.

Кўпчилик иш берувчиларда интизомий жазоларни кетма-кет қўллаш керак, деган нотўғри қараш бор. Яъни биринчи марта интизомий қилмиш содир қилган шахсга ҳайфсан, сўнг жарима, кейин меҳнат шартномасини бекор қилиш... Аслида интизомий жазоларни кетма-кет қўллаш шарт эмас. Содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллиги, ҳолати, ходимнинг ҳуқуқ-атвори ҳисобга олиниб, исталган турдаги интизомий жазодан биттасини танлаш мумкин.

## ИШ ҲАҚИНИНГ 1 ФОИЗИ МИҚДОРИДА ЖАРИМА ҚўЛЛАСА БўЛАДИМИ?

Жарима ходимнинг асосий (базавий) иш ҳақидан эмас, аксинча, ўртача ойлик маошидан ушланиши жоиз. Меҳнат ко-дексининг 312-моддасига кўра, ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, ички меҳнат тартиби қо-идаларида эса, ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кўп бўл-маган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилган. Демак, ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди жарима қўллаш мумкин.

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚўЛЛАНИЛИШИДАН АВВАЛ ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШ, ТУШУНТИРИШ ХАТИ ВА ТИЛХАТ ОЛИШ ШАРТМИ?

— Иш берувчи интизомий жазо қўлланилишидан аввал хиз-мат текшируви ўтказишга мажбур эмас. МКнинг 303-моддасига кўра, хизмат текшируви ўтказиш иш берувчининг ҳуқуқи ҳисоб-ланади. Агар ходим қорхона ёки ташкилотга бирон-бир зарар етказган бўлса, МКнинг 302-311-моддаларида назарда тутил-ган тартибда хизмат текшируви ўтказилиши керак.

## УНИ ОЛИБ ТАШЛАШ УЧУН 6 ОЙ ЎТИШИ ШАРТМИ?

Йўқ. Иш берувчи интизомий жазони ўз ташаббусига кўра, қасаба уюшма қўмитасининг илтимосномасига, шунингдек, ходимнинг илтимосига биноан, муддатидан олдин тугатиш ҳуқуқига эга. Раҳбар жазони истаган вақтда олиб ташлаши мумкин. Бунинг учун ходим қандайдир ўтуқ ёки натижаларга эришиш ёки эришмаслигининг аҳамияти йўқ.

## ЖАЗО УСТИДАН ҚАНЧА МУДДАТДА ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Интизомий жазо устидан судга шикоят қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланган: ҳайфсан ва жарима устидан ўша кундан бошлаб, 6 ой ичиди; меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан эса, ишдан бўшатилганлик тўғрисидаги буйруқ нусхасини олган кундан бошлаб, 3 ой давомида.

## ХОДИМГА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚўЛЛАБ, КАМИГА МУКОФОТДАН ҲАМ МАҲРУМ ҚИЛСА БўЛАДИМИ?

Ҳа, албатта. Адлия вазирлигининг 1999 йил 14 июн-даги «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, қорхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартиби намунавий қоидалари»нинг 3.10-бандига кўра, интизомий жазога тортилган ходимни мукофот ҳамда қўшимча рағбатлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш мумкин. Муко-фотдан маҳрум қилиш — интизомий жазо тури эмас, балки хо-димга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чорасидир.

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОСИ БОР ИШЧИГА БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТ БЕРСА БўЛАДИМИ?

Агар ташкилотнинг мукофотлаш ҳақидаги тегишли низо-мларида алоҳида қоида белгиланмаган бўлса, интизомий жа-вобгарликка тортилган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш ти-зимида назарда тутилган мукофотлар, устамалар тўланиши мумкин.

## ТАЪТИЛДАГИ ХОДИМГА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚўЛЛАСА БўЛАДИМИ?

Таътилдаги ходимга меҳнат шартномасини бекор қилиш (МКнинг 161-моддаси иккинчи қисмининг 4-ва 5-бандлари) тарзидаги интизомий жазо чо-расини қўллаб бўлмайди. Агар хизматчи меҳнат шартномасида назарда тутил-ган таътилда бўлса, уни иш берувчи-нинг ташаббуси билан ишдан бўшатиш тақиқланади.

Таътилдаги ходимга ҳайфсан, жа-рима тарзидаги интизомий жазо чо-расини қўллаш буйича қонунчиликда тўғридан-тўғри тақиқ йўқ. Лекин бунда МКнинг 313-моддасидаги бандларга риоя қилиш керак. 314-моддага кўра эса, хо-дим вақтинча ишга лаёқатсиз ёки таъ-тилда бўлган даврида интизомий жазони қўллаш муддати ўтмай туради. Шунинг учун ходим таътилдан қайтгач, интизомий жазо қўллаган маъқул.



Гўзалья РЗАЕВА, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси катта ўқитувчиси

# «ХУДУДГАЗТАЪМИНОТ» ЖАТОСИНИ ТАН ОЛДИ

Орада бир фуқаронинг ойлаб сарсон-саргардон бўлгани қолди

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 15 апрель сонидида «Урнатил-ган тартибда ҳал этилаётган маса-ла» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда фахрий журналист Муродхон Калонхонов-нинг нотураржойи билан боғлиқ муаммо ҳақида сўз борганди.


Кунни кеча Муродхон Калон-хонов тахририятга келди. Айти-шчи-ча, муаммоси газета саҳифа-ларида ёритилган, «Худудгазтаъ-минот» АЖ мутасаддилари у билан боғланишибди. Ишчи гуруҳ тузилиб, масалани жойига чиқиб ўрганишибди. Натижада масъу-ллар мақолада келтирилган важ-лар асосли эканини тан олиб, нуқуллайди, яъни техник хато учун М.Калонхоновдан уэр сўрашибди. Журналист тахририятта та-шаккур билдириш асноси унга «Худудгаз таъминот» газ таъминоти бўлими бошлиғи Р.Азиев имзоси билан келган хатни тақдим этди. Қўйида муносабатни жузъий туза-тишлар билан мазмунан келтира-миз:

«Мақолада қайд этилган маса-ла жойида бориб ўранибди. Маълум бўлишича, сизнинг Гул-обод маззеси, 2-уй, 65-хонадонни-нгуз Тошкент шаҳар қоҳимининг 94-қарорига биноан, тураржойи мақомидан нотурагга ўтказил-ган ва аризанигузга кўра, газ тар-моғидан бутунлай узилган, ҳи-соблагич ҳам олиб ташланган. Бироқ мабодо эҳтиёж туғилиб, хонадонни яна газ тармоғига улаш керак бўлиб қолса, асқа-тади, деган мақсадда ҳисоб рақамингуз сақланиб қолинган. Махалла истеъмолчилари билан ишлаш бўлими томонидан тур-муш ўртоғингуз М.Калонхоновга номидаги Гулобод маззеси, 2-уй, 65-хонадондаги 06099275-га ҳисоб рақами Билинггаз дасту-рида ўрганилиб, ҳисоб-китоб юрйтилганида 01.01.2020 йил-

дан 1.229.348 сўм қарздорлик аниқланган ва уни унди-риш мақсадида судга му-рожаат қилинган. Суд қарздорлиқни ундириш ҳақида қарор чиқарган. Сизга нисбатан юқорида қайд этилган қарздорлик асоссиз бўлиб, у техник хатолик оқибатида юзага келгани аниқланди ва сиз-лардан ундирилган пуллар ўзингузга қайтариб бери-либ, эндиликда бундай ха-тога йўл қўймаслик юза-сидан тадбирлар белин-ланди. Айни пайтда сизда газдан фойдаланиш учун умуман эҳтиёж йўқлиги боис ҳисоб рақамингуз уч-риб ташланди».

Кўриб турганингиздек, мутасаддилар жатосини тан олишяпти. Бу эса, ўз навба-тида, яна қатор саволларни юзага келтириятти.

Биринчидан, бир фуқарога нисбатан ноҳақ қўлланилган қарздорлик жамоатчилик эъти-борга ҳавола этилгач, бекор қилинди. Борди-ю, шу масала омма ҳукмига ҳавола этилма-ганда нима бўларди? Иккинчидан, М.Калонхонов ушбу масала юзасидан туман прокуратурасига мурожаат йўлла-



ган, аммо улар ҳам фука-ронинг ўзини айбдор қилишган эди. Хўш, энди прокуратурадаги-лар ҳолатни қандай изоҳлашади? Учунчидан, одамлар охирги



## АҚШнинг тинчлик режаси

АҚШнинг Украинадаги узоқ чўзилган можарога қизиқиши сўниб бормоқда. Бу ҳақда АҚШ президенти Дональд Трампнинг махсус вакили Кит Келлог «Fox News» телеканалига берган интервьюсида маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Америка маъмурияти «вужудга келган вазиятдан чарчаган». Қолаверса, Вашингтон эътибор қаратиши керак бўлган бошқа устувор муаммолар ҳам анчагина.

АҚШ Украинадаги можарони тугатиш мақсадида тинчлик режасини тайёрлаган. Бу ҳақда «The Telegraph» нашри хабар берди.

Манбаларга кўра, режанинг биринчи қисми отишмаларни дарҳол тўхтатиш ва Киев ҳамда Москва ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар бошлашни назарда tutadi. Кейинги босқичда Украина НАТОга аъзо бўлишдан воз кечиши керак, бироқ Европа Иттифоқига интеграция имкони сақланиб қолади.

Энг тортишувли ма-

сала – аннексия қилинган ҳудудлар масаласи. Нашр маълумотига кўра, АҚШ Қрим устидан Россия суверенитетини тан олишга ва қўшиб олинган тўрт ҳудуд – Донецк, Луганск, Херсон ва Запорожье вилоятлари устидан Россиянинг де-факто назоратини эътироф этишга тайёрглигини билдирмоқда. Шунингдек, Запорожье атом электр станциясини АҚШ ишторикидаги халқаро назорат остига ўтказиш масаласи ҳам тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, Украина Европа томонидан хавфсизлик кафолатлари,

қайта тиклашда ёрдам ва компенсациялар олади. АҚШ ва Украина ўртасида энергия ва ресурслар соҳасида алоҳида келишув тузилиши, шунингдек, Москва ва Вашингтон ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, санкцияларни босқичма-босқич бекор қилиш ва энергетика соҳасида ҳамкорлиқни қайта тиклаш имкониятлари ҳам кўриб чиқилмоқда.

Режанинг барча тафсилотлари Россия томонига АҚШ президентининг махсус вакили Стив Уиткоф орқали етказилади.

## Маск ортга чекинади

Илон Маск АҚШ ҳукуматининг Самарадорлик департаменти (DOGE) фаолиятидаги иштирокини кескин камайтирмоқчи эканини маълум қилди. Бу қарор Tesla компанияси даромадлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71 фоизга камайиб кетгани ортидан қабул қилинди. Маск Tesla сармоядорлари билан учрашув чоғида ана шундай баёнот билан чиқди.



«Эҳтимол, май ойидан бошлаб DOGEдаги фаолиятим сезиларли даражада камаяди», деди Маск. Маскнинг таъкидлашича, у вақти-вақти билан департаментга маслаҳатлар бериб туради, аммо бу ҳафтасига икки кундан ошмайди ва фаолияти фойда келтириб тургунча давом этади.

## Анқара тарихий қарорни кутяпти

Туркияда тақиқланган ва террористик ташкилот дея тан олинган Курдистон ишчи партияси (РКК) 2025 йил апрель охиригача ўзини ўзи тугатишини эълон қилиши мумкин. Бу ҳақда Hürriyet газетаси иқтидордаги Адолат ва тараққиёт партияси манбаларидан олинган маълумотга таяниб хабар берди.

Партия расмий вакили Умар Челикнинг таъкидлашича, яқин ҳафталарда курд можаросини ҳал этишда жиддий силжишлар кузатилиши мумкин. Шунга ўхшаш ишоралар курдпараст DEM партиясидан ҳам келиб тушмоқда. 22 апрель куни партия вакиллари РКК етакчиси Абдуллоҳ Ожалон билан учрашган. У террорчилик фаолияти учун умрбод қамол жазосини ўтаётти.

«Ҳукумат партияси кулуарларида президент Ражаб Таййип Эрдоғон РККнинг қуроли қаршиликни тўхтатиш ва ўзини ўзи тарқатишга тайёрглиги ҳақида хабардор экани айтилмоқда», дейилади хабарда.

Sözcü газетаси ҳам 5 май куни Ироқнинг Сулаймония шаҳрида РКК қурултойти бўлиб ўтиши мумкинлигини ёз-

моқда. Унда ташкилотни расман тарқатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши кутилмоқда. Манбаларга кўра, бу жараён босқичма-босқич амалга оширилиб, қуролсизланиш июнь ойигача якунланиши керак.



## Тайконавтлар Ойга учади

Хитой Ойга амалга ошириладиган космик миссияга фаол тайёргарлик кўрмоқда. Бу ҳақда Хитойнинг инсонли парвозлар дастури раҳбари ўринбосари Линь Сицян маълум қилди.



Унинг сўзларига кўра, бошқарув дастурининг барча асосий унсурлари белгиланган жадвал асосида ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, сўз «Чанчжэн-10» (CZ-10) ракета-ташувчиси ҳақида кетмоқда. У «Мэнчжоу» космик кемасини орбитага чиқаради. Шунингдек, «Ланьюэ» луноходи, «Ваньюэ» скафандри

ва тайконавтларни Ой сатҳида ҳаракатлантирувчи махсус транспорт воситаси ҳам тайёрланмоқда.

Бу пилотли миссия Хитойнинг Ой дастуридаги муҳим босқич ҳисобланади. Аввалги босқичлар автоматик қурилмаларни учуриш ва Ой тупроғини Ерга олиб келиш билан боғлиқ эди.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замон ичра саломат тан эрур.

Фаридиддин Аттор

Жиззах вилоятининг Бахмал тумани фақатгина ширин-шаркар мевалари, гўзал табиати ва тоғлари билангина машҳур эмас. Бу ўлка азиз авлиёлар макон топган мақбаралари ва муқаддас қадамжолари билан ҳам танилган. Қорли чўққилари олислардан ҳам кўзга ташланиб турувчи манзарага мафтун бўлиб, туманга кириб келар экансиз, сизни тоғлар бағридаги, ҳавоси мусаффо ва тарихий хотираларга бой ҳудуд – Ўснат шаҳарчаси кутиб олади. Ўснат ота зиёратгоҳи ундаги табаррук маскан бўлиб, бутун юртимиз зиёратчиларини ўзига жалб этиб келаётир.



■ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

# ЎСНАТ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

## ЁХУД МАЪНАВИЯТ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛАШГАН МАСКАН

### ЎСНАТ ОТА КИМ БЎЛГАН?

Ўснат ота ҳақида тарихий манбаларда аниқ маълумотлар кам. Халқ орасида у Аллоҳ йўлида юрган, зоҳид, зиёли ва қароматли кишилардан бири сифатида тан олинади. Ҳаёти яхшилик ва адолатга даъват, илм-маърифатга бўлган муҳаббат билан тўла бўлгани айтилади.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари Отабек Мухаммадиевнинг таъкидлашича, Ўснат ота зиёратгоҳининг пайдо бўлиши шу ҳудуддан етишиб чиққан ўз даврининг машҳур муҳаддиси, фикҳ олими ва мутакаллим Мухаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандий номи билан боғлиқ. Манбаларда у зот 1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири – Усмандда туғилиб, 1157 йили 64 ёшида шу ерда вафот этгани айтилади. «Ўсманд» атамаси вақт ўтиши билан товуш ўзгариши натижасида «Ўснат»га, кейинчалик эса «Ўснат»га айланган.



Усмандий илм аҳли орасида кечадиган баҳс-мунозараларда чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқуллодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам илм аҳли орасида «Оламнинг устун», «Диннинг устун» каби юксак унвонлар билан машҳур бўлган. Аллома қолдирган улкан илмий-маънавий мероснинг ҳаммаси араб тилида ёзилган. Манбаларда аллома ҳаёти давомида ислонининг калом, мунозара илми, тафсир ва усули фикҳ соҳаларига оид ўн учта ноёб асар ёзгани қайд этилган. Бизгача опитта асари етиб келган бўлиб, нусхалари жаҳон кўлэзма фондларида сақланмоқда.

Алломанинг мотуридия калом мактаби қарашларини ўзида акс эттирган «Лубоб ул-калом» номли шоҳ асарининг иккита кўлэзма

нусхаси сақланиб қолган. Улардан бири Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Қора Чалабийзода бўлимида сақланади. Бу асарнинг энг қадимий нусхаси бўлиб, у араб ҳарфлари билан нуқталарсиз, настаълиқ хатида ёзилган, Али ибн Нажмуддин исмли хатот томонидан 1303 йилда – аллома вафотидан қарийб бир ярим аср кейин кўчирилган. У туркиялик олим доктор Мухаммад Саид Узерварли томонидан тадқиқ этилиб, 2005 ва 2019 йилларда нашр этилди.

Асарнинг иккинчи кўлэзма нусхаси эса Сулаймония кутубхонасининг Шаҳид Али Пошо бўлимида сақланади. У татот Юсуф ибн Байрамбек ибн Исмоил ибн Исо томонидан 1412 йили настаълиқ хатида кўчирилган.

Ҳанафия мазҳаби мотуридия эътиқодида асосланган мазкур асар муқаддимасида муаллиф уни ёзишдан мақсад эътиқодни соғломлаштириш ва тузатиш эканини уқтириб ўтади. Кўплаб бўлимлардан иборат «Лубоб ул-калом»да, энг аввало, илм турлари, инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни ҳақида қимматли фикрлар билдирилади, тўғри маълумотларга эга бўлиш учун оламни билиш керак, дейилади. Бунда беш сезги аъзо, ишончли хабарлар берувчи манбалар (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) ҳамда инсоннинг ақл-идроки ва салоҳияти муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланади.

«Лубоб ул-калом» асари Имом Мотуридийнинг «Тавҳид» ва «Таъвилот ул-Қуръон», Абу Муин Насафийнинг «Тақбират ул-адилла» асарларида ўз аксини топган аҳли сунна вал жамоа ақидасини кенг тарғиб этишда ўзига хос манбадир. Уларда илгари сурилган мавзулар «Лубоб ал-калом»да ҳам ўз ифодасини топгани фикримиз далилидир. Зеро, бу асар, муаллиф айтганидек, эътиқодини тузатишни бошловчи кишилар учун ҳидоят манбаи бўлсин, деган мақсадда ёзилган.

Усмандийнинг «Лубоб ул-калом» асари ҳозирги гоғлар кураши авж олган бир даврда ёшларимизга муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, ботил даъволарни илгари сураётган оқимларга қарши гоғий зарба беришда қўл келадиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

### ЗИЁРАТ АНЪАНАЛАРИ ВА МАРОСИМЛАР

Тоғлар этагида жойлашган зиёратгоҳ ҳудудининг табиий гўзаллиги билан ажралиб туради: тошли дарёлари, ям-яшил боғлари, сувлари шивирлаб оқувчи сойлари ва сояли дарахтзорлари зиёратчиларга руҳий ором бағишлайди. Майдони 0,42 гектар.

Ҳар йили баҳор ва ёз фаслларида минглаб юртдошларимиз бу ерга келиб, нафақат руҳий покланиш, балки табиат билан уйғунлашган ҳолда дам олиш имкониятига ҳам эга бўлишади.

Зиёратчилар одатда қабр бошида дуо ўқиб, савобни у зотга бағишлашади. Айрим кунларда жамоавий дуо ва хайрия тadbирлари уюштирилади. Бу ерда қурбонлик қилиш, эҳсон тарқатиш ва турли диний маросимлар ўтказиш анъанага айланган.

Баъзи одамлар бу ерда қилган дуолари ижобат бўлганини айтиб, қайта-қайта зиёратга келишади. Шу сабабли Ўснат ота зиёратгоҳи халқ орасида «Ниязлар, яъни ниятлар ижобат буладиган жой» сифатида танилган.

### МАДАНИЙ ВА МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ

Ўснат ота зиёратгоҳи нафақат диний, балки маданий ва маънавий аҳамиятга ҳам эга. Унда ўтказиладиган маънавий тadbirlar ёш авлодга тарихий хотира ва илм-маърифат руҳини сингдиришда муҳим ўрин тутди.

Кейинги йилларда зиёратгоҳ атрофи анча ободонлаштирилиб, мактаб ўқувчиларининг жамоа бўлиб келишлари ҳам кўпайди. Натижада у таълим-тарбия марказига айланиб бормоқда. Ёшлар ушбу муқаддас масканга келиб, ўтмиш ва маънавий меросимиз, Ўснат ота юксак илм соҳиби ва улуг мутакаллим зот бўлгани ҳақида билиб олишмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўснат ота зиёратгоҳи халқнинг юрагидан жой олган, тарих, маънавият ва табиат уйғунлашган муқаддас маскандир. У ерга сафар қилган инсоннинг руҳияти покланиб, хотир-жамлик ва самимиятни ҳис қилади.



Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»

Муаллиф олган суратлар

### MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

### Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

### Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

### Navbatchi muharrir:

Salim Abdurahmonov

Musahhih:  
Dilorom Xudoyberganova

Sahifalovchi:  
Hasan Abdullajilov

Bosishga  
topshirish vaqt – 01:40  
Topshirildi – 02:10

Bahosi kechirilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

### Navoiy gazaliga

Oga'xii muhammasi bilan aytuluvcu

«СУВОРАЙ

КОМИЛ»

таронаси

Анвар Бекжонов ижросида

Фалакким яхшилар баъзида қадримни баланд этмас,  
Дами йўқим ямонлар маънаида мустаманд этмас,  
Бу ҳасратдин кўзим ашқи йўлни бир лаҳза банд этмас,  
Мани ман истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,  
Мани истар кишининг суҳбатин кўнгулм писанд этмас.